

БУХОРО. Бу ердаги хориж технологияси асосида мрамар кошнлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Минор" ҳиссадорлик жамиятида ишчиларга бепул тушлик ва кечки овқат бериш йўлга қўйилди. 170 нафар киши ишлаётган.

ТУШЛИК ВА КЕЧКИ ОВҚАТ БЕПУЛ

жамиятда овқатланишга кетадиган харажат корхона фондаси ҳисобидан қопланмоқда. Шунингдек, ишчилар махсус кийим-бошлар билан ҳам бепул таъминланаётди.

Даврон БАҲРОНОВ.



Шаҳрисабздаги "Хўжим" жамоа корхонасининг тўғрисида Шайхидда Элбоев. Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.

НАМАНГАН. Шарқ табиоти марказининг бош табиби Муҳиддин Умаровни кўпчилик билади. Бу кишининг табиот илмидаги кашфиётлари Россияда ҳам миқозлар орттиришга имкон берган. Яқинда уни

ТАБИИ ХАЛҚАРО АКАДЕМИЯ АЪЗОСИ

Москвага, экология ва табиатдан фойдаланиш халқаро академиясига таъриф этишди. Муҳиддин Умаров машҳур академиянинг ҳақиқий аъзоси деган дипломга сазовор бўлди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.



ТОШКЕНТ. Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Малик Набиев ўтган йили "Те-мурнома" туркум асарлари билан санъат муҳлисларини хушнуд этганди. Бу туркумни унинг умр

БИБИХОНИМ ПОРТРЕТИ

йўлдоши "Бибихоним портрети" билан яқунлади. Ранг-тасвирда гўзаллик ва ақл-заковат тенги йўқ Бибихонимга хос сифатлар асарда тўла-тўқис очилган.

Маҳмуд АХМЕДОВ.

САМАРҚАНД. Иштихон туманининг Жўра Махмудов номли жамоа ҳўжалиги маркази — Қиёт қишлоғига газ келди. "Зангори олов"ни ёкиш учун 2-хўжаликлараро

КЎШАЛОҚ БАЙРАМ

механизациялашган кўчма жамлама аъзолари 18 километрга қувур ётқизишди. Қишлоққа газ келиши эса ҳосил тўйига уланиб кетди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.



Бухоро меъморчилиги. Хайдарали ҚУРБОНОВ олган сурат.

Ватанни севмак иймондангур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 18 январь, шанба № 8 (22.093).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

КИЧИК КОРХОНАДА ГЕРМАНИЯ ДАСТГОҲИ

Жиззах шаҳрида яқинда ишга туширилган «Заргарлик» номли ишлаб чиқариш кичик корхонасига Германиянинг «Винклер» фирмасининг дастгоҳ ва ускуналари урнатилди. У бир кеча-кундузда 6 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. «Винклер» технологияси бўйича корхонада 23 турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин. Ҳозирча жиззахлик новвойлар 19 турда нон, печенье, булочка ва бошқа нон маҳсулотлари пишироқдалар.

Корхона ишга туширилгач, 70 киши ишли бўлди. Корхона қошида фирма дўкони ва 100 уринли парҳез таомлар ошхонаси ҳам ишлаб турибди.

Келдир ЖўРАҚУЛОВ.

СЛОВАКИЯДАГИ УЧРАШУВЛАР

БРАТИСЛАВА, 17 январь (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади). Президентимизнинг Словакияга расмий ташрифи илк кунни мамлакатларимиз ўртасидаги манфаатли ҳамкорликни янада раванқ топтириш учун ҳуқуқий асос солинган кун сифатида тарихда қолади. Чунки кеча Президентлар — Ислон Каримов ва Михал Ковач бўлиб ўтган музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Словакия ўртасида ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, икки давлат раҳбарларининг учрашуви чоғида Словакия Президентини Михал Ковач Президент Ислон Каримовнинг Марказий Осиё хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, Тожикистондаги моҳирони тинч йил билан ҳал этиш, Афғонистонда тинчлик урнатилиш борасидаги ташаббусларини юқори баҳолаш ҳамда қўллаб-қувватлашни алоҳида таъкидлади.

Бугун эрталаб Президент Ислон Каримов Братиславадаги «Славин» ёдгорлик мажмуини зиёрат этди. Бу ерга Иккинчи жаҳон урушида Словакияни фашистлардан озод қилиш учун бўлган жангларда қўрбон бўлган аскарлар, шу жумладан, ҳамюртларимиз ҳоки ҳам қўйилган. Юртбошимиз бу ерда барпо этилган ёдгорлик пойга гулчамбар кўйди.

Мамлакатимиз раҳбари Словакия ҳукумат уйида Боз вазир Владимир Мечьяр билан суҳбатлашди. Ушбу сатрлар узатилаётган дақиқаларда икки мамлакат ҳукумат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Словакия ўртасида транспорт ва ҳаво йўллари алоқаси, сайёҳлик каби соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланиши кутиляпти.


Бугун мамлакатимиз раҳбарининг Президент Михал Ковач билан мулоқоти ҳам қўйилмоқда.

Сунгра Ўзбекистон раҳбарини расмий кузатиш маросими бўлиб ўтади.

Братиславадаги «Форум» меҳмонхонасида эса Президент Ислон Каримов словак ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашади. Бугун Ўзбекистон Президентининг Словакияга расмий ташрифи ниҳоясига етади.

(ЎзА).

Мамлакатнинг қудратли таянчлари



СУРАТЛАРДА: 1. «Шўртангаз» газ қонлари бошқармаси газни олтингувуртдан тозалаш цехи оператори Холмўмин Бегматов. 2. Олтингувурт олиш цехи умумий кўриниши. 3. Олтингувурт олиш цехи операторлари (ўнгдан) Олим Муҳаммадиев ва Фахриддин Эшонқўлов.

Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган суратлар.

Қўшиқларда ВАТАН МАДҲИ

Вақт кутиб турмайди деганлари рост. Эсингиздами, кечагина мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишлаб мамлакатимизда биринчи мартаба «Ўзбекистон — Ватаним маним» деган қўшиқлар куриктанови ўтказилган ва бу улкан қўшиқ байрами халқимиз маънавий ҳаётда унутилмас воқеага айланганди. Мазкур қўшиқлар танловининг минглаб фўқаролар томонидан мамнуният билан кутиб олинганлигини ҳисобга олиб ўтган йили август ойида мамлакатимиз Президентини «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами ҳақида» Фармон қабул қилгани ҳам қўнучли ҳолдир. Фармонга мувофиқ, ҳар йили август ойининг учинчи яшанбаси қўшиқ байрами кунини сифатида кенг нишонланадиган бўлди.

Кун кеча эса республика Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон қўшиқ байрамини ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Уни республика Бош вазирини уринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси Алишер Азизжўраев бошқарди.

Мажлисида мамлакатимиз Президентининг қўшиқ байрами ҳақидаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармонга тегишли қарорини ҳаётга изчил таъбиқ этиш масаласи муҳокама этилди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида мутасадди идоралар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

— Шеръ бўлмаса, қўшиқ яралмайди, демак, биз ижодкорлар ҳам бу байрамга пухта ҳозирлик куришимиз керак, — деди биз билан суҳбатда элимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов. — Ватан ҳақидаги энг гўзал ва энг дилбар шеръларни иқтидорли ижодчиларга танлаб тавсия этишимиз лозим. Ушандагина келажаги буюк давлатимиз ва унинг меҳнатсевар, бағри кенг, меҳри дарё халқини, муқаддас Ватан тупроғини мадҳ этувчи юксак бадий савиядаги қўшиқлар яратилади.

Мажлисида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳматов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Аслидин БОЛИЕВ.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

Мамлакатимизда хусусий мулкчиликка кенг йўл очиб берилгани қишлоқда ҳам мулкдорлар фаолиятининг ривожланишига асос бўлди. Жумладан, Шаҳрихон туманидаги унлаб жамоа ҳўжаликларининг чорвачилик фермалари кимовши савдосида қишлоқ тадбиркорларига сотилди. Бунинг натижасида қўл утмаёқ тармоқда ижобий ўзгаришлар кузга ташланди. Масалан, ҳозир «Низом» хусусий фирмаси жамоаси қишлоқдаги мулкдорларнинг олдинги қаторида борапти. Фирма раҳбари Низомжон Мирзаахмедов дадил тадбиркор. Бу фирма «Сардор» жамоа ҳўжалигининг чорвачилик фермасини кимовши савдосида 9 миллион сумга сотиб олди. Мулкдорлар фермада ишнинг янги ташкил этиши. Тез орада мазкур ферма кенгайтириб, маҳсулот турлари кўпайиб қолди.

САВОБЛИ ИШЛАР

Ишонсангиз, 1977 йилга қадар бир ярим миллион аҳоли истиқомат қиладиган Сурхондарё табиий газ нималигини билмасди. Бундан 6 йил илгари воҳода шахар хонадонларининг 12 фоизи, қишлоқнинг эса 2-3 фоизи газлаштирилганди, холос. Сурхондарёликлар республика ҳукумати-нинг аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги қароридан айниқса миннатдор. Чунки бу қарор натижаси улароқ, вилоятда кейинги йилларда 3 минг километрдан зиёд газ қувурлари ётқизилди. Ҳозир вилоят аҳолисининг 45 фоизи, жумладан қишлоқда яшовчи-ларнинг 34 фоизи табиий газдан баҳраманд. Айниқса, бир умр тандирни сомону шўпринди билан оқартириб келаётган бойсуликларнинг кайфияти аъло, десак муболага қилмаймиз. Чунки Бойсунга газ қувури тортилди. Биргина Бойсун шаҳрининг 420 хонадонига газ кириб келганлиги ҳам қувонарли ҳолдир. Эндиликда тумандаги қишлоқлар ҳам кетма-кет газлаштирилмақда.

Тўғри, бошқа қўпгина хайрли ишлар қатори газлаштириш борасида ҳам Сурхондарёда ҳали ишлар қўп. Демак, раҳбарман деб турганлар учун имконият бор. Гап Яратганининг бандасига иноят қилган имкониятларидан фойдаланишида қолган, холос.

(Ўз мухбиримиздан).

Иқтисодий олами

Шаҳрихон тумани ҳокимининг биринчи уринбосари Абдулҳамид Йўлдошев вш тадбиркор М. Мирзаахмедовнинг ибратли ишлари ҳақида илқ сузлар айтиб қолди.

— Низомжон чорвачилик фермасида қисқа вақт ичида қатта ўзгаришларни амалга оширди. Чорва моллари зотиани яхшилаб, 100 бошга қўлайтирди. Натижада қоқоқликка юз тутган чорвачилик фермасида шундай тартиб-интизом урнатилдики, қўрғанлар ҳавас қилишади. Мамлакатимиз бўйича тажриба анжуманининг шу жойда ўтказилганлиги ҳам ишнинг илдамланганининг тасдиғи эмасми!

Демак, қишлоқ мулкдорларининг келажагига ишонса бўлади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭНГ ЗЎР БАНКИР...

Қашқадарё вилоятида биринчи марта ўтказилаётган бу кўрик-танловда Катоб туманидаги турмушдаги банклариинг иқтисодчилар ёшлари беллашилди. Бу ўзига хос маҳорат синовини «Канюлет» жамғармаси туман бўлими ташкил этди.

— Бугунги кунда ҳаётимизда банклариинг туман ўрни беқийс, — дейди жамғарма раиси муовини Шавкатжон Норқобилов. — Ҳозир иқтисодчилар иқтисодчилар ниҳоятда керак. Биз бошлаб берган «Банкир-97» кўрик-танловда туман Халқ банки бўлими командаси ғолиб чиқди. Бундай маҳорат синовлари вилоят бўйича ҳам ўтказилади.

Юнус УЗОҚОВ.


ГАВҲАРНИ ТОШГА УРМАНГ

Болалигимизда кўчага уйнагани чиққанда қизик ҳоллар буларди. Тенгқурларимиздан бири акаси ёки дядасининг соатини тақиб чиқса, шерикларимиздан шумроғи хўрозқандми ёки ялтираган тилла қоғозми — арзиманган нарсга эвазига қимматбахо буюмни алмаштириш пайига тушарди. Баъзан ниятига етарди ҳам.

Юртимиздаги айрим «ишбилармонлар» хорижий эллардан қаттиқ валюта ҳисобига сақич, печенье, макарон каби бир қарашда кузни қамаштирувчи матоҳларни олиб келиб сотишаётганини кўрганимда ҳалиги болакайлар уйини едимга тушади. Ушбу мисолга эътибор қилинг. Термиздаги баққолик ҳиссадорлик жамияти Эрон фирмаси орқали Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган 60 тонна истеъмолга яроқсиз уни юртимизга олиб келган. Ёки Тошкентдаги «Оқшом-М» фирмаси Туркменистондаги «Бахтиёр» фирмасидан 16,5 тонна қуруқ сут сотиб олган. Масаланинг илди-зига қарасангиз, аслида бир неча йил олдин АҚШдан инсонпарварлик

ёрдами сифатида олиб келинган бу маҳсулот эндиликда икки пулга қиммат ҳолга келган.

Мана, республика Давлат солиқ қўмитаси ходимлари аниқлаган маълумотлар: ўтган йил



Мунсабат

Ахир бу қаттиқ валюта деганлари Ўзбекистоннинг олтини ва пахтаси эвазига олинган-ку?! Сиз чинакам юртпарвар бўлсангиз шу маблағга технология олиб келинг, хом ашё узимизда етарли, ушанда одамлар ҳам иш билан таъминланади, миллий даромадимизга ҳам барака қиради.

Халқимизда гавҳарни тошга урманг, деган ҳикмат бор. Ўз қимматини, юрт қадрини англаган одам ҳеч қачон бундай қилмайди.

Шўхрат ЖАББОРОВ.

«ДИНАМО» — «ХОРАЗМ» БЎЛДИ

Янги мавсум арафасида олий лига жамоаларининг номларини давлат тилига мослаштириш маъносида ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Хоразм вилояти футбол федерацияси ташаббус қўрғанди. Федерациянинг навабдаги йилгилида кўпгина масалалар қатори жамоа номларини ўзгартиришга эътибор қаратилди. Энди Урганчининг «Динамо» жамоаси «Хоразм» деб юртилайдиган бўлди. Хеванин «Гуламчи» жамоаси эса «Хева» номини олди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

КОМИЛ МАЪНАВИЯТ — МУСТАҚИЛЛИК ТАЯНЧИ

ИЛМ - ФАН, БИЛИМ ОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ШИОРЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАТНЛАРИ

Илм — улаки билмакдир.

Бешикдан то қабргача илм изланг!

Илм-фансиз буюк давлат куриб бўлмайди.

Тафаккур — буюк мўъжиза.

(Охири. Боши ўтган сонларда).

Дил ва ақлнинг тарбияси илм билан ривожланиб, камол топади.

Илм ақлнинг тарбиясидир.

Илм туфайли одамлар нодонлик, жаҳолат ботқоғидан чиқиб, ўз имонларини камолотга етказадилар.

Илмсизлик — бидъат, хурофот ва жаҳолатнинг онасидир.

Илм туфайли кишилар ҳақ ва ноҳақни, ҳалол ва ҳаромни фарқлайдилар ва адолат қиладилар.

Гарчи Хитойда бўлса ҳам

илм талаб қилинган.

Толиби илм бўлиш ҳар бир мўмин учун фарздор.

Ақлнинг камолоти имон ва илмдандир.

Илм урганиш ҳар бир мўмин учун фарздор.

Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балқилар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади.

Бир соатгина илм урганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тutilган нафл рузасидан афзал.

Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар.

Илмни урганиб, сўнг уни бошқаларга ургатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан баробардир.

Билими етмаган нарсага фатво берган киши унга амал қилганларнинг гуноҳларини ҳам олур.

Ҳақ йўлда ким санга бир ҳарф ургатмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила,

Билмаганлигимиз сабабли, билган нарсаларимизни айтмай кўйишимиз ҳам яхши эмас.

Илмда осон ва яқин йўл йўқ.

Илмнинг тиканли ва заҳматли йўллариға бардош бериб ута олган кишиларгина имони комил инсон бўлиб, Оллоҳнинг ризолигиға эришиб, улуглик тулпорига минадилар.

Илм ақлнинг чироғи ва жиловдори.

Билим ҳақиқатни билиш


демакдир.

Чексиз илмлар мавжудки, уларни билиш учун инсонларнинг умри кифоя қилмайди.

Садақанинг афзали — мўмин киши илм урганиб, сўнг бошқа мўмин биродарларига ҳам ургатишидир.

Билаги зўр — бирни йиқар, билими зўр — мингни.

Маънавият — инсоннинг ақлий, ахлоқий, илмий, амалий мафқуравий фазилатлар йиғиндиси ҳисобланиб, диний ва дунёвий қарашларнинг акс этиш даражасидир.



ЭЗГУ ИШЛАР САРБОНИ

Иброҳим акани Сурхондарёда деҳқончиликнинг пири, деб билишади. Бу бежиз эмас. Боиси, суяғи меҳнатда қотган бу инсон мана 10 йилдан ошди Деновдаги С. Раҳимов номи жамоа хужалигини оёққа турғазига, аҳоли турмушининг барқарорлиғига эришдида собитлик билан сай-ҳаракат қилмоқда. Хужалиқда барча соҳалар буйича йиллик режалар вилоят қолиб, республикада биринчилар қатори урдаланмишда ҳам бу кишининг хизматлари муносиб.

Иброҳим ака Файзуллаев деҳқончиликнинг илмини чўқур биладиганлардан. Катта тажриба эгаси. Мўҳими кўпчиликка ишониб ва суяғи ҳаракат қиладди.

— Дала ишларини табелчиликдан бошланганман, — деб гап бошлайди раис. — Кейин бригадир бўлдиқ, зоотехник, агроном... Бу орада қанча сувлар оқмади, дейсиз. Ҳаётимда ҳамма одамларга интилим. Дала нафасидан баҳра олдим. Яхшиларга эргашми, уларнинг даврасида бўлиш бир саодат экан. Фикр тугилади, мулоҳазалар тиниқлашади. Айтишади-ку, маслаҳатли тўй тарқалмас деб. Мўҳими, муаммолар экан топади. Кам бўлаётганимиз йўқ. Хужалигимиз йилдан-йилга ободонлашиб, ривожланиб борапти. Иқтисодий ўзгаришларимиз чакки эмас. Утган йили бўлса, гектардан 47 центнердан галла, 40 центнерга етказиб пахта ҳосили кутардик. Ана шунинг узиёқ қишлоқларимизда турмуш яхшиланиб бораётганидан нишона. Бошқа соҳаларда ҳам ишларимиз дуруст...

Қаҳрамоннинг нияти холис. Ҳақиқат эзгуликка интилади. Бу йил хорижий фирмалар билан келишиб, шакар ва спирт ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Қишлоққа саноатни киритиш хосиятли кечини яхши қилиб-да. У ёғини сурансангиз, қанча қишлоқдошлар ишга жалб қилинади. Хужалиқка катта иқтисодий фойда келади.

Аммо Иброҳим ака учун утган йил алоҳида бўлди, десак арзийди. Бир эмас, икки унвонга лойиқ қилдиқ. Аввалига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хужалиқ ходими» унвонини олиб, қилаётган меҳнатлари зое кетмаётганидан баҳад қувонди. Мустақилликнинг беш йиллик байрами арафасида эса яна бир қувончли хабар юрт бўйлаб тарқалди. Президентимиз Фармони билан Иброҳим Файзуллаев «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди. «Рости, аввалига ишонгим келмади, — суэлайди Қаҳрамон. — Наҳотки...» дейман. Бундай кутлуг унвонга лойиқ қилиш — энг катта бахт-ку. Кейин денг, ҳамқишлоқлар сурайвериб, даврага олавериб, тоза ҳаётини оширишди. Нима бўлганда ҳам камтарона меҳматини муносиб тақдирланганидан чексиз миннатдорман. Юртбошимизга, халқимга қуллук қилман. Ҳалол меҳнат ва эзгу ишларда ҳормай гайрат кўрсатишда камбарбастанам.

Абдулмалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Хатларда ҳаёт акси

ҚАРШИЛИК БЎЛМАСА БАС...

Мен 1992 йили қишлоғимизга кичик бир чинни цехи қуриш мақсадида Самарқандга бориб, чинни заводи раҳбарияти билан келишим. Қишлоғимиз аҳлини иш билан таъминлайдиган кичик корхона очдим. Ишчилардан 90 кишини жалб қилдим. Чинни заводидагилар бу участкани қуриш учун маблағ сарфлашга юз фоиз розилик ҳам билирдир ва унинг директори Жўзғача икки марта келди. Бироқ вилоятнинг собиқ ҳокими директорни қабул қилишни узиға эп кўрмади.

Тўрт йилдирки, техникаларимиз занг босиб ётибди. Цех қуришимиз учун йўл йўқ эди. Шу чоққача катта тўққинлик қилиб келишим. Электр энергиясини беришмаяпти. Бизда чинносозлик цехи қуриш учун лойиҳа ҳам, маблағ ҳам, бош корхона томонидан қафолат ҳам бор. Афсуски, сансалорлик авжига чиққани оқибатида шу аҳволга тушиб, ҳамқишлоқлар олдида изза бўлганимиз қолди.

Жўзғача вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айтилган аччиқ ҳақиқат биз биларнинг бошимиздан ўтгани учун хат ёзганман. Сессияда янги раҳбар сайланди. Бизда шундан кейин умид йўғонди. Қолаверса, танқиддан кейин вилоятимизда сезиларли ўзгаришлар бошланганини қўриб турибмиш. Ислоҳот тўсиқлари бирин-кетин олиб ташланыпти. Қишлоқда кичик саноатни ривожлантириш қозғалди амалиётга кўчяпти. Демакки, бизнинг орзулимиз ҳам рўёбга чиқди.

Яна айтиб қўйиб, Биз давлатдан маблағ сурамаймиш. Фақат қаршилик кўрсатилмаса бас. Қолганини ўзимиз қиламиз. Бундан халқ манфаат қўрада, долос.

Абдулғаффор МАМАТОВ, Бахмал туманидаги Навқўта қишлоғида қурилаётган чинни цехи бошлиғи.

Ислоҳот қандай борапти?

Чилиги айни пайтда давлат бошқарув тизимидан воз кечиб, ҳиссадорлик жамиятлари ва жамоаларига айлантирилди. Бу эса иқтисодий ривожланиш учун имкон яратди. Масалан «Электромия», Цемент заводлари ва Навқўта қўлоқ, молиявий заиф саналар эди. Энди бўлса ҳар икки корхона ўз акциясига эга бўлиб, ҳиссадорлик жамиятларига ўтказилди.

— Шу ўринда корхоналарнинг жаҳон алоқаси даражасига чиқиши ёхуд энг илғор фирма ва компаниялар билан рақобатдошлик ҳусусида ҳам тўхталсангиз?

— Бозор иқтисодиёти талаби ҳам шу. Бугунги корхона ҳам, унда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳам энди бозорбардош ва рақобатбардош бўлиши керак. Ана ушунда баҳротлиқ ташқи-часи, корхонала-



САНОАТНИНГ ЗАРБДОР МАЙДОНИ

Навоий вилоят ҳокимининг ўринбосари Эргаш БЕРДИЕВ билан мулоқот

Бошқарув тизимидаги бу ҳолат 2 йил ичюда ўз самарасини берди. Утган 1996 йилда цемент ишлаб чиқариш хамияти 1 миллиард 516 миллион сўмлик маҳсулот турини ишлаб чиқариб, йиллик режани 105,2 фоизга урдлашди. Худди шундай «Электромия»-ҳиссадорлари ҳам 252,7 миллион сўмлик қишлоқ хужалиқ экинлари ва усимликларни зараркундаларига қарши кимёвий моддалар тайёрлашиб, йиллик режани шараф билан бажаришди.

Энг қувончлиси бу — саноат корхоналаримизда илгор технологиянинг жорий этилаётганидир. Масалан кейинги 3 йил давомида «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Электромия», цемент корхоналарида ўнлаб цехлар замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланганлиги. Айниқса инсон саломатлиғи ва табиғатга зийни қилган қатор зарарли цехлар ўрнига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган бўлилар, кичик корхоналар юзга келди. Бугунги кунда Навоийда кир ювиш машиналари, кир ювиш поршюклар, турли шампулар, ҳар хил сизимдаги темир идишлар, тур сепкалар тайёрланаётганини фахр билан тилга олиш ўринлидир. Ҳатто биз вилоят пахтачиликни Андижон тақрибаси асосида илгор технологияга ўтказиш мақсадида ўзимизда пленка остига чигит экидан севяла ишлаб чиқардик. Илгари Хитойдан сотиб олинган чигит усти пленкасини ҳам «Азот» корхонасида керагича тайёрлашга киришдик.

Ана шундай «Нурбулоқ» гўшт маҳсулотлари комбинати ва сут заводини ҳам ҳиссадорлик жамиятига ўтказиб, хато қилмадик. Бу жамиятларда ҳам эндиликда фойда кетидан қувий харидорнинг маҳсулот тайёрлаш, уни жаҳон андозлари даражасига кутаришда хайрли ишлар қилинапти.

НАРХИ ЎРМАЛАЁТГАН ХИЗМАТ

Пойтахтимизда «Автонейтхизмат» деган фирма бор. Аксарият автохаваскорлар ана шу фирманинг хизматидан фойдаланадилар. Чунки автомобил двигателининг мойини, фильтрини алмаштириш ва бошқа энгил-елпи таъмирлаш ишлари унга қарашли нуқталарда бажарилади. Бундан кўпчилик мамнуи, албатта. Бироқ хизматлар нархи кун сайин ўсиб бораётганидан таажубдамиз.

Кунин кеча мой алмаштириш нуқтасида фирма директори Ш. Ойхўжаев тасдиқлаган янги прейскурант пайдо бўлди. Ундаги нархларни қўриб ҳар қандай одам ека ушлаши таяни. 1 литр мой қуйиш 10 сум эмис. Елирай, бу иш учун неча лаҳза талаб қилинади? Еки двигател клапанларини ростлашни қаранг! Эпчил уста бу юмшани нари бўлса ярим соатда битиради. Сиз эса 540 сум тўлашга мажбурсиз. Моторни ювиш 180 сум?

Ахир моторни ювиб-тозалаш кун буйи кетмон чопиш эмаску!

Прейскурант рўйхатида яна бир хизмат тури бор: ҳисобга тўшамаган ишлар дейилади. Унинг нархи ҳар киши-соатига 1080 сум эмис! Ажабо, бу қанча хизмат эканки, тилла баравари ҳақ тўласангиз!

Энгил-елпи хизматлари учун тулов баҳосини тинимсиз ошираётган «Автонейтхизмат» фирмасининг жиловини ким тортиб қўяди? Солиқ назорати шу жаҳаларга ҳам назар ташласа ёмон бўлмасди.

Бобо САРОВИЙ, автохаваскор.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ШИЛИШ ИДОРАСИ»

(«Ўзбекистон овози», 1996 йил 28 декабрь)

«Ўзбекистон овози» рузномасининг 1996 йил 28 декабрь сонидан чоп этилган Тошкент шаҳар Яқасарой тумани УЖИЧН бўлими ходимларининг ҳаракатлари танқид қилинган «Шилиш идораси» сарлавҳали мақоласи бошқарманинг 1997 йил 6 январда бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинди.

Мақолада кўрсатилган асослар тасдиқланди. Бошқарма буйича 1997 йил 6 январдаги 10-сонли буйруқ бўлиб айдоорларга нисбатан чоралар қўрилди. Қўпол муомаласи учун УЖИЧН бўлими бошлиғи М. Ҳайдаровга ҳайфсан эълон қилинди. Баҳодир кўчаси, 56-уйда яшовчи фуқаро Ҳ. Омоновга уй-жойининг улчи ишларида хатolikларга йўл қўйгани учун Ф. Шомамудовга ҳамда етарли назорат олиб бормагани учун бригадир Н. Зайнутдиновга нисбатан урточа ойлик маошининг 10 фоизи миқдоридидаги жарима қўринишида интизомий чоралар қўрилди.

Барча камчиликлар инобатга олинган ҳолда қурилма ва уй-жойнинг улчовлари қайта белгиланди, инвентаризация иши янгидан тузилди ва ариза-чи буртмачи фуқаро Ҳ. Омоновга Баҳодир кўчасидаги 56-уйнинг янги режа нусхаси тақдим этилди.

Тошкент шаҳар яқка тартибдаги иморатларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бошқармаси бошлиғи А. МУҲАМЕДЖОНОВ.

(«Хатларда ҳаёт акси» руқни материалларини Норбобо ШАКАРОВ тайёрлади).

Пойтахтнинг аҳоли зич яшайдиган жойларидан бири Чилонзордаги 19-маеведир. У ерда 80 та кўп қаватли уй бор. 16 миң аҳоли истиқомат қиладди. Маеведа 18 корхона ва ташкилот мавжуд.

— Энг оғир мавзе ҳам шу жойдир, — дейди милициянинг 5-участкаси бошлиғи, милиция майори Гофуржон Абдурахмонов. — Неақси, тарбияси оғирлар, қайта-қайта судланганлар бизда талайгина. Улар ҳаммишам танч қоравермайдилар. Устига-устак унақаларнинг танишларим ўзларига ўхша...

ИШОНМАГИН «ДЎСТ»ИНГА...

Илгари Олтой ўлкаси судининг ҳужми билан жиний жавобгарликка тортилган Игорь Чернов утган йилнинг июль ойида юк олин мақсадида Порохин ва Абдулмоновнинг машинасида Новосибирскдан Тошкентга келади. Танишлари А.Шокиров уларни кутиб олади. Уяндан бошлана беради. Давлат номери 43-24 НБЛ «КаМАЗ»-ни 19-маеведаги машина тўхташ жойида қолдирадilar.

Эртаси куни ҳамроҳларининг дам олиб ётиганидан фойдаланган Игорь секин кўчага чиқди. «КаМАЗ» турган жойга келиб, қалити билан унинг кабинасини очди. У ердан Порохин ва Абдулмоновга тегишли 250.000 Россия рублини олиб, ҳаменига уради. Кечроқ эса Абдулмонов, Порохиннинг чўнтагидан барча хужжатларни умаради. Сўнгра «КаМАЗ»га ўтириб, Қирғизистон томон йўл олади. Игорь Чернов бу жиноятини тулиқ амалга ошира олмади. ДАН ХОДИМ

Хар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

БЕЗОВШАЛИК

лари у уғрилаб кетаётган машинани тўхташиб қолдилар...

Илгор довдираб қолди. Нимадандир безовталанди. Ундаги бу ҳаракат милиционерларни сергаклантirdи. Уни 19-маеведаги участка вақили хонасига келтирдilar. Пивниста Андрей Сафрошкин темир йўлда механик вазирасида ишлади. Гуювоҳлар иштирокидаги тинтув пайтида унинг ёнидан икки донна шприц чиқди. Улар қандайдир суоқлик билан тўдирилган эди.

Аниқланишича, шприцларнинг бировида 3,5 мл, бошқасида 2,5 мл. ҳажмда

ШПРИЦДАГИ ОҒУ

Кен маҳал. Соат ўлар чамаси. Тезкор-қидирув ишларини олиб бораётган милиционерлар — Ф. Абдурахмонов, В. Эрнзаровларнинг эътиборини маст ҳолатдаги йигит тортиди. У қоронғу жойларда паналаганча оёқ ташларди.

— Кимсиз? Нега мастсиз? Кутилмаган саволдан

ҚОТИЛЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Виктор Романенкони уйда жониси ҳолатда топишди. Хондондаги тартибсизлик, пала-партишлик ва мурдадаги белгилар у куч ишлатиб ўлдирилганидан дарак беради. Бу қотиллик ким томонидан қилинган? Бунга аниқлаш керак эди. Шу мақсадда тезкор-қидирув гуруҳи тузилди. Унга Чилонзор тумани ИИБнинг бошлиғи, милиция майори А. Тошкенбоев бошчилик қилди. Ҳаётда олиб боришга ҳаракат самарасини берди. Милиционерлар — Айхўжаев, Эрнзаров, Турсунов, Эргашев, Хошимов, Гофур Абдурахмоновлар жиноятни иссиғида очдилар.

Уртокларининг умрига зомин бўлган Максим Дорохин, Валерий Беляев, Дмитрий Прокофьев, Константин Черкасовлар қўлга олинди.

СУҲБАТДОШ: МУЗАФФАР ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА

Яқунлар чиқарилиди. Унинг ҳисоб-китобига кўра маълум ҳужжатнинг сони ялғаригидан кўра камаяган. Номусга тегиш, таъмағирлик, фирбиргарлик каби жиноятлар барҳам топмоқда.


— Маъжур меҳнат колонияларида бўлиб қайтганларни ишга жойлаштириш, уларнинг маҳалла-қўйдаги фаоллигини ошириш бариночи даражали ишмиз ҳисобланади, — дейди Ф. Абдурахмонов. — Уларни бирон кун, бирон даққа безътибор қолдирмаймиз. Ахир ўшларам нисон.

Курбон ЭШМАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Самарқанд туманидаги «Оҳангар» ҳиссадорлик жамиятида турли русумдаги тракторлар ва механизмлар учун 80 хилдаги эҳтиёт қисмлар ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариляпти.

СУРАТДА: корхонанинг етакчи мутахассисларидан бири Маҳмуд Самодов Челак туманидан иш ўргатгани келган ҳамкасблари Обид Зайниев ва Исқандар Лисенколар билан.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.



Булган суоқлик — опий экан.

ҚОТИЛЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Виктор Романенкони уйда жониси ҳолатда топишди. Хондондаги тартибсизлик, пала-партишлик ва мурдадаги белгилар у куч ишлатиб ўлдирилганидан дарак беради. Бу қотиллик ким томонидан қилинган? Бунга аниқлаш керак эди. Шу мақсадда тезкор-қидирув гуруҳи тузилди. Унга Чилонзор тумани ИИБнинг бошлиғи, милиция майори А. Тошкенбоев бошчилик қилди. Ҳаётда олиб боришга ҳаракат самарасини берди. Милиционерлар — Айхўжаев, Эрнзаров, Турсунов, Эргашев, Хошимов, Гофур Абдурахмоновлар жиноятни иссиғида очдилар.

Уртокларининг умрига зомин бўлган Максим Дорохин, Валерий Беляев, Дмитрий Прокофьев, Константин Черкасовлар қўлга олинди.

СУҲБАТДОШ: МУЗАФФАР ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА

Яқунлар чиқарилиди. Унинг ҳисоб-китобига кўра маълум ҳужжатнинг сони ялғаригидан кўра камаяган. Номусга тегиш, таъмағирлик, фирбиргарлик каби жиноятлар барҳам топмоқда.

— Маъжур меҳнат колонияларида бўлиб қайтганларни ишга жойлаштириш, уларнинг маҳалла-қўйдаги фаоллигини ошириш бариночи даражали ишмиз ҳисобланади, — дейди Ф. Абдурахмонов. — Уларни бирон кун, бирон даққа безътибор қолдирмаймиз. Ахир ўшларам нисон.

Курбон ЭШМАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ЯНГИ МАВСУМ НАФАСИ

МДХ ЧЕМПИОНЛАРИ КУБОГИ. Москвада анъанавий равишда ўтказилган МДХ чемпионлари кубоги учун кураш кўпчиликти катта қизиқиш уйғотмоқда. Бешинчи марта уюштирилган мусобақа 25 январдан — 2 февралгача давом этади. Маълумки, илгари бу бахсда Фарғонанинг «Нефтчи» ҳамда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоалари қатнашган. Бу сарфар юртимиз футбол шарафини «Навбахор» йигитлари ҳимоя қилди. Навбахорчилар мавсумга тайёргарликни ўтган йил охиридаёқ бошлагандилар. Яқинда улар «Трактор» жамоаси билан икита уртоқлик учрашуви (0:3, 3:1) ўтказдилар. Навбахор-

чилар таркибиде бирмунча ўзгаришлар бўлди. Жумладан, Д. Назаров, Муминов, Абдуқодиров, Алибоев каби уйинчилар «Навбахор»га ўтдилар. Ҳамдустлик мамлакатлари кубоги учун курашнинг дастлабки кунини навахорчилар Кишиневнинг «Зимбрул» жамоаси билан майдонга тушадилар. 26 январда эса Москва спартакчилари, 28 январда Бокунинг «Нефтчи» футболчилари билан учрашув бўлади. Чорак финал уйинлари 29 январга мулжалланган. Ярим финал бахслари 30 январь, ҳал қилувчи учрашув 2 февралда ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ. Мамлакат биллур соврини учун курашда иштирок этадиган жамоалар ва уйинлар тартиби аниқланди. Бу йилги мусобақада учрашувлар бирмунча бошқачароқ тартибда уюштирилади. Хусусан, дастлабки босқичда олий лиганинг 8, биринчи лиганинг 24 жамоаси иштирок этади. Нимчорак финал уйинларидан бошлаб куръа ташлаш йўли билан жамоалар ўрни белгиланади. Бундай қилишдан мақсад илгариги йиллардагидек биринчи босқичдан финалгача қайси жамоаларнинг узаро учрашиши мумкинлиги каби тахминларга барҳам беришдан иборат. Айниқса, нимчорак финалдан бошлаб қолган олий лига жамоаларининг курашга киришиши муҳлисларда қизиқ уйғотмоқда. Дастлабки босқич учрашувларини 27-28

Спорт
апрель кунлари ўтказиш мўлжалланмоқда.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. Яна бир ойдан кейин Францияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этувчи футбол жамоалари ўртасида саралаш уйинлари бошланади. Осий китъаси мамлакатлари 10 гуруҳга бўлинган бўлиб, фақат гуруҳ раёблиригина чемпионатнинг финалига уч йўлланма учун курашни давом эттирадилар. Ўзбекистон Республикаси миллий терма жамоаси олдида ҳам жиддий ва масъулиятли вазифа турибди. Футболчиларимиз бешинчи гуруҳда Индонезия, Яман ва Камбоджа терма жамоалари билан саралаш уйинларини ўтказадилар. Ўғлонларимиз биринчи учрашувини 25 май кунини ўз майдонларида

Камбоджа футболчилари билан ўтказадилар. 1 июнда Индонезия футболчиларининг меҳмони бўлишади. 20 июнда Индонезия жамоаси меҳмонимиз бўлади. 29 июнда Камбоджада сафар учрашуви кузда тутилган. 13 июлда футболчиларимиз Яман жамоасини қабул қилиб, саралаш учрашувларида нукта қўядилар. Бир қарашда вакилларимизнинг саралаш учрашувларидаги рақиблари кучлимасдек куринади. Эеро, рақибни писанд қилмаслик ҳаммиша панд бериб келганини унутмаслик лозим. Аксинча, тайергарликка зур ётиқ, машқларни тобиға етказиб, маҳоратни ошириш, жамоани бир оила аъзоларидек бўлиб уйнашларига эришиш эзгулик сари етказилди. Футболчиларимизга омад тилаймиз.

Бир мактаб — бир дунё

ЎҚИТУВЧИ СОАТГА ҚАРАМАЙ ИШЛАСА...

Мактаб (тап Қумқургон туманидаги 18-мактаб хусусида) ўтайсиниб қолганли: деразалари синган, деворининг сувоқлари қўчган, дарвозасининг охиқ-мошиги қийшайган. Ҳовлисининг теварагига одамлар утинчулларини босган...

Ўқитувчиларини айтнинг: пойабзалига юққан гардлаги мудир тайинланди. Янги мудир дўх-пуписа қилмади. Тергамали. Мажлис қилмади. Келинлар, бир ишлайлик, деди. Тутриси, кунига уч соат дарсим бор эди. Утардим... Мудирнинг гапи уйқун очандай бўлиди. Иш бир куп эжанки, кун узоғи қуймаланиб, яна нимагадир алағда бўлиб, уйга қайтадиган бўлдим...

Эшбури домла — уста олам. Дераза кесди. Эшиқпарталарни таъмирлади. Еш муаллимлар ишга қул солипти. Сунг кабинетларини жиҳозладилар. «Бир»ни иккига бўлса, неча бўлади» деган саволга боши қотадиган ўқувчи математика кабинетига кириб, масалан, бир чўшнинг ун қисмага бўлинганини қуриб, нималарнидир осонгина тушунганидан суюнди. Қули қауриб дераза кесаётган муаллимга кечатидан бошқачароқ қилиб салом берадиган бўлди. Ва не ажабки, молни мактабнинг ҳовлисига ёйиб боқадиган акасининг бу иши нотўғри эканини огоҳлантиришга журят қилди.

Қарабсизки, мактаб... мактабга ўхшаб қолди. Ўқувчилар тугаракларга эзила бошладилар. Ўқитувчилар обуна ҳақида суриштира бошладилар. Ота-оналар таклифсиз, носоз мактабнинг буссаганини ҳатлай бошладилар. Халқ таълими бўлими ташкил қилган семинарга келганлар «ишласа... буларкан-а» деган фикрга келдилар.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир хайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз
ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон
ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Шухрат ЖАББОРОВ
(бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари),
Аслидин БОЛИЕВ
(бош муҳаррир
ўринбосари, «Осиё
бозори» учун масул),
Владимир ЧЕБОТИН
(бош муҳаррир
ўринбосари — «Голос
Ўзбекистан»),
Алимкул СУЛТОНОВ
(масул котиб —
«Ўзбекистон овози»),
Александр ТЮРИКОВ.

Vatanni sevmak iymondandur!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 18 январь, шанба № 8 (22.093).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqqa boshlagan

Турсунбой ОЧИЛОВ

*ЖООН
ҚАДАРЛИК СЎЗ*

Мустақиллик — жон қадарлик сўз,
Ҳаёт қадар теран маъноси.
Минг йилларки, не-не қора кўз
Бўлиб келмиш унинг филоси.

...Темурийни таниди халқим
Ва гафлатдан очди кўзини,
Мангуберди қимлигини билиб,
Ўзбек яна англар ўзини.

Жаннат ичра яшасанг-да ноҳ,
Гар бўлмас эркин қўлига.
Юракдаги занжирдан бир «оҳ»,
Сени маҳкум этар ўлимга.

Бутун Фитрат, Чўлпон авлоди
Шўро қўрққан ҳақ сўзини айтар.
Аму, Сиринг оралиғига
Яна Курьон, лиёнат қайтар!

Озод юртим, энди хушёр бўл,
Жинсланиб — бир жону бир тан.
Чунки, аҳил япаса қай эл,
Ўша юртда — қудратли Ватан!

...Мустақиллик, сен қалбдаги ўй!
Мустақиллик — қулликка видо!
Халқин бахтин қўзлаган юртин
Доим севиб, қўлайди Худо!

Эр қадрига «болаган» нуқсон,
Солганидай бир кун суроилар.
Вужудингда мударан қонини
Уйғотажак эрк деб бўролар!

Ўзбекистон — эрка ташна қалб!
Не тоғ, бутун орузун ушалди.
Қўлингидеги занжирлар, эй Шарқ,
Пойинг узра мағлуб — тўшалди!

Энди курсанд, зулматдан йироқ,
Лек, гойибдан мўъжиза кутма.
Келажакка талпину, бироқ,
Кечмишини ҳам бир дам унутма.

...Ундай — Турон уйғонди қайта,
Муқанналар кўгардилар бош.
Озодликнинг қўшнинг айтиб,
Яна кўкда балқиди Қўёш!

Kunnoma
Yangiliklar, voqealar, xabarlar

YANGI MAKTABDA O'QISHADI

BUXORO. G'ijduvon tumanidagi G'ishti qishlog'ida bir maktab bo'lib, qurilganiga 70 yildan oshgandi. Bu yerda qariyb 2000 o'quvchi ikki smenada o'qib qiyalardi. Tuman hokimligi "Oq oltin" jamoa xo'jaligida 624 o'quvchiga mo'ljallangan maktab qurdirib, muammoni hal etdi. Endi har ikkala maktabda ham mashg'ulotlar bir smenada olib borilmoqda.

Davron BAHRONOV.

FAHRIYAT.

FARG'ONA. Beshariqo tumaniidagi lisey hamda 14-maktab o'quvchilariga AQSHdan kelgan mutaxassis M. BAVDEN dars bermoqda. Xorijlik muallim ingliz tili o'qitishning uslub va tajribalarini oshloq yoshlariga o'rgatmoqda. M. BAVDEN xalqaro tinchlik korpusi yo'llanmasi bilan yurtimizga kelgan.

Alisher IBODINOV.

Этибор қилмай дарсга кирди. Иш кунини соат билан улчайди. Масалан, уч соат дарси борми, бир нав утади-да, дафтарини қултиққа уриб, уйга жунаб қолади. Билагон болаларга «беш», бундайроқларига «уч» қуйиб синфдан-синфга қуриб қуяверди. Хуллас, «аскар ухлайверди, хизмат утаверди».

— Э-ҳей, туманимизнинг халқ таълими бўлими тортишувхонага айланиб қолувди, — дейди шу мактабнинг ўқитувчиси Эшбури Маматкулов. — Ниҳоят ян-

МАКТАБДА ГАЗ ЁНДИ

Туман халқ таълими бўлими ходими Тилла Нормуродовнинг айтишича, Қумқургондаги 65 та мактабнинг атиги 7 таси газлига таъмирланган. (Туманининг умумий газлашув даражаси 40 фоиз атрофида). Етинчи бўлиб, шу 18-мактаб газлаштирилди. Бу хайрли иш, тутриси, вилоят газлаштириш идораси бошлиғи Эрсот Абдушуқуровнинг хизмати.

Абдушуқуров шу қишлоқдан. Узининг уйига қадар газ тортириб келган. Шоланинг шарофатидан курмак сув ичибди, дегандай, шу тўғайли қишлоқнинг бир талай хонадонлари газлашган. Лекин, Абдушуқуровнинг уйдан куйида турадиганларга ва шу жумладан, у бир вақтлар ўқиган 18-мактабга ҳам қувур «етмай» қолганди.

Одамлар уйларида газ ёнмаса-да, мактаблари газлаштирилгани учун ҳамқишлоқларидан миннатдор бўлдилар.

ВА... ЎҒРИ ТУШДИ

Еши қирқдан ошибки, қон босими деган гапни билмаган Урол Хушбоқов (мактаб директори)нинг 1996 йил 31 декабрь кунини қўзи тушган манзарадан боши айланиб кетди: қоқилган дераза ойналаридан ун биттаси жойида йўқ, Уғрилган! Дарс пайти дарров қизийдиган шинам синфхоналар бирдан қуримсиз ҳолатга тушиб қолган эди.

Мактабнинг қоровули бор — Маматкулов Шоди. Кечқурун бор насага қафил ўтиб, ҳатто, қул қуйиб, қуриқлашни бўйнига олади. Директорнинг, ойналар қани, деган саволига бўлса... елка қисади.

— Уғриликми... Бизда ҳар қандай юқумли касалликдан кўпроқ томир отган иллат, — дейди Урол Хушбоқов «ух» тортиб. — Қишлоғимиздаги болалар боччасининг ишлаб турган иситиш қувурларини автоген билан кесиб, ўғрилаб кетишди. Биров «ҳа», демади. Симфочлар ўғриланди. Дала шийпонининг эшиклари, шифтлари ўғриланиб, курмасликка олишади. Бугун, ниҳоят бир галамис мактабга ўғриликка тушибди. Ахир бу ерда унинг боласи ўқир. Ахир уям узини худодан умидвор санар.

Уғрилик содир бўлган кунни қишлоқ оқсоқолларидан тортиб ҳужалик раиси ҳам овққа турди.

Ўғри топилса-ку яхши...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС ЎЗБЕКИСТАНА

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ПАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия хайти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодий — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро хайт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
Факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоида — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқанда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урағанда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқурғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000,
ТОШКЕНТ,
МАТВОУТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-ЎЛ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Босмахонаси.
Қорхона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Набатчи муҳаррир
Н. ШАКАРОВ,
набатчи
И. ҲАМРОЕВ.

Рўйхатдан ўтми тартиби №00120

Газета офсет усулида А-2 форматда 28,931 нускада босилган

Ҳақми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини қўйиб босиб фақат таҳририят вуждати билан амалга оширилади.

Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топшириш — 20.30.

1 2 3 4 5 6.

СОУВДА ЭРКИН НАРХДА

Шунақасиям бўлади

БАЛИҚЛАРНИ БОҚУВЧИ ҚУШ

Американинг Шимоллий Каролина воҳасининг Шелби қасабасида яшовчи Мр. Бакер бир кунни боғидаги ҳовузнинг лабига нафис рангли бир қушнинг қўнганини кўрди. Қушнинг оғзида қурт ва чувалчанглар бор эди. Унинг келганини кўрган ҳовуздаги балиқлар дарҳол внига сузиб келдилар. Қуш оғзидаги емакни балиқларга битта-битта едирар, тамом булғач, бир муддат қуздан йўқолиб, яна оғзида чувалчанглар билан қайтарди. Қушнинг балиқларни она каби боқиши узоқ давом этди.

«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ПТД»

Ўзбек — турк қўшма корхонаси полипропилен ун қопларини ҳамда тегирмон валларини пул ўтказиш йўли орқали

СОТАДИ

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Асака кўчаси, 52.
НПО «Технолог» биносининг 4-қаватида (3-ув заводнинг ёнида).
Тел: 68-77-36.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН «ЗАМИН» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК ИПОТЕКА БАНКИ АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ МАЖЛИСИ ЎТКАЗИЛИШИ ҲАҚИДА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Мажлис 1997 йил 1 март кунини соат 10.00да «Замин» банкнинг биносиде ўтказилади.

Қатнашчиларни рўйхатга олиш 1997 йил 1 март соат 9.00дан 9.45гача банк биносиде амалга оширилади.

УМУМИЙ МАЖЛИСНИНГ КУН ТАРТИБИ:

1. Банкнинг 1996 йил фаолияти якунлари тўғрисида ҳисобот.
2. Банкнинг 1996 йил ҳисоботи ва муҳосиблик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссиясининг 1996 йил ҳисоботи.
4. Банк акциялари бўйича дивидендлар миқдорини белгилаш.
5. Банк Қузатиш кенгашининг таркиби ҳақида.

Алиқам?

ИМТИЁЗЛИ РЕКЛАМА

«Осиё бозори»

маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг реклама ва эълонларини

30%

арзон нархларда чоп этади.

Бизга қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг: (3712) 33-79-14, 33-47-80. Факс: (3712) 33-54-55.